



Кеча Москвада, Кремлнинг
Съездлар саройида Совет
Иттифоқи Коммунистик партия-
сининг XIX Бутуниттифоқ кон-
ференцияси ўз ишени давом
эттирди.

КПСС XIX Бутуниттифок конференцияси тўғрисида
И Н Ф О Р М А Ц И О Н Б И Л Д И Р И Ш

ҚАЙТА ҚУРИШ МИЛЛИОНЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИШИДИР

В. И. Ленин
Мавзолейга
гулчамбар кўйилди

наш доклад моҳияти лозисидан тушунтириш ишлари билан бориш учун бу ерта келдим. Эртага газеталар киши билан хар бир киши конференция материаллари тула ўрганиш учун шароити яхши бўлади. Кабар қуриш (аммианни) иш. Зеро, бу инқилобий ҳаракатдан ҳеч ким четда қолиши мумкин эмас!

— Маркази телевидениенинг «Время» информация программаси бошлангучи ш ерда бўлтимиз, — деди суҳбат директори А. Кафбаров. — Сўнг эса янги телекрандан конференция ишлари кузатилади.

Ж. МАМАТОВ.

ХИХ Бутуниттифок партия конференциясида

29 июнь, эрталаб соат 9.00. ХИХ Бутуниттифок партия конференциясида Ўзбекистон партия ташкилотларидан келган делегатлар «Россия» меҳмонхонасида қўйиб Кремльда, Снедлар саройида ўтаётган катта анжуманга йўл олишди. Улар кечга таассуротлар оғушида ўз фикр-мулоҳазаларини йўл-йўлакай ўртоқлашиб кетиш-япти.

— Михаил Сергеевич ўри айтиди, — гап бошлади Бекободдаги В. И. Ленин номи металлургия заводининг электрда пўлат эритиш комплекси ишчиси Абдуқайдар Мирзаматов. — ҳали республикамизда чиндан ҳам турғунлик даври кўринишлари сақланиб турибди. Ўғриликлар, қўшиб ёзиллар, порахўрликлар гоҳо-гоҳо бўлсада давом этаётгани сир эмас. Чунки бизда ҳали жамиятимиздаги маънавий муҳитни соғломлаштириш, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларига беравонларча, бюрократларча ёндашиш ҳолларини тутатиш учун жанговарлик етишмапти.

— Бир ҳисобда танқид ўринли, — унинг сўзини бўлиди КПСС Марказий Комитети аъзоллигига кандидат Сирдарё районидagi «Малик» совхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи, Тўхтаон

Москва, Кремль:

Мунозара этади давом...

ХИХ БУТУНИТИФОК ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТИ, «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОН» МАХСУС МУХБИРИ НОМОЗ САЪДУЛЛАЕВ КОНФЕРЕНЦИЯ ЗАЛИДАН ХАВАР БЕРАДИ

Қирғизбояева, — лекин кейинги пайтларда анча ўзгаришлар бор-ку, ахир. Наҳотки бўлаётган силжишлардан қўз юм-сақ?

— Қўз юмолмаймиз, — ён бермади суҳбатдоши. — «Пахта иши» деб номланган ноҳуш ҳоллар билан бутун мамлакатга гап-сўз бўлди. «Иш»ни бир тўда нопок ишлар қилишга қилиб, балогача бутун халқ қолди. Қанчадан-қанча ҳалол бригадирлар, механизаторлар, ҳатто оддий колхозчиларнинг бола-чақалари кўндала ҳали-ҳали милтиқлардан қўз ёшларини кўрасиз. Ёлғонми?

— Ростликка рост. Лекин, хусусан, пахтачиликда қўшиб ёзиш, қўзғабуймачилик каби ҳоллар анча камайди-ку? Намашлаб энди технологияси йўлга қўйилди, ерларни даволаш тадбирлари кўриляпти, хўжаликлар эконо-микси мустахкамламоқда.

Коллектив, оила, ижара пудрати каби меҳнатнинг янги формалари ёйилиб борапти. — СССР соғлиқни сақлаш министри Чазовнинг гапига нима дейсиз? — сўзга қўшилди Андижон обла-сти Марҳамат районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи, цех-секретари Озода Каримова. Турғунлик даврида республикамизда «Бахтли болалик» деган китоблар қайта-қайта нашр этилган экан-у, 33 минг гудак зарур медицина ердими оломай ўлиб кетган экан.

Мунозара давом этади. Делегатлар Кремль дарвоза-сига яқинлашди. Қўлларидан партия билети ва делегатлик шаходатномаси билан конфере-ренция зали томон юришди. Улар энди болғидай баланд овозда эмас, сенин гаплашиб кетишарди. Мавзу эса ўша-ша: инсон, унинг моддий ва

маънавий эҳтиёжи. Дарвоқе, сиз сўзга бугун чиқмоқчимисиз? — сўради ўнги-га Бекободдаги Марказий ка-салхона кардиология бўлими мудбири Абдумалик Тоғаев-дан.

— Назаримда эртага чиқ-сам керак. Аммо сиздан ил-тимос, ҳали вақт бор. Ёзган-ларимни бир кўриб берасиз-ми? — сўради у кўтариб ёзи-ган қоғозларини узатди.

— Кўз ташлаш бошладим: «Республикамизда илгари ишлаб чиқилган «Саломат-лик» программаси асосиз бўлганлиги сабабли ҳануз бажарилмапти. Қўшма йирик корхоналарда, хўжа-лик пунктларида, аҳоли ис-тиқомат жойларида энг од-дий медицина ердими бериш учун оддий шарт-шароитлар ҳам йўқ. Республикамизда ҳар 10 минг киши ҳисобига врачлар Иттифоддаги ўртача кўрсаткичдан 25 процент камдир. Медикларнинг мала-

каси паст, тор доирадаги му-тахассис врачлар ва аввало, педиатрлар етишмапти. Аҳолининг кўп қисми яша-ётган қишлоқда, айниқса, ташвишли аҳвол вужудга келди. Республика врачлари-нинг 20 процентдан камро-ғина қишлоқда ишламоқда. Фельдшерлик, акушерлик пунктлари, амбулатория-лар, участка касалхона-ларининг кўпи нормал санитария-гигиена шароит-лари билан таъминланма-ган биноларга жойлашган, болалар ва оналарнинг ўли-ми ортиб бормоқда. Биз эн-ди одамларнинг сўхат-сало-матлигига шундай масъули-ятсизлик билан муносабатда бўлинишга тоқат қилолмай-миз, тоқат қилишга ҳақи-қимиз йўқ.»

Ҳа, сиёсий тузумимиз, со-циал жамиятимиз ва совет турмуш тарзини олимлари-га неча ўн йиллар воз бўлиб келган турғунлик даври «мерос»лари билан эндилик-да мурося қилиб бўлмайди. Республикамиз партия таш-килотларидан вакил қилиб юборилган делегатлар Кре-млга шу ният, шу мақсад бил-лан келишган. Улар мамла-катимизда бундан буён кўп-роқ демократия, кўпроқ со-циализм бўлиши йўлида пар-тия ва жамиятни янада де-мократлаштириш учун овоз беришга келдилар.

Бахтимиз учун курашганлар

Павел Герасимович Полтарацкийнинг номи Ленин партияси қарамонига тарихининг шонли саҳифаларига ёзилган. Иш-чилар синфи ва пролетариатнинг порлоқ истиқбол учун бу-тун ҳаётини сарфлаган минг-миглаб аjoyиб кишилар кат-ориде унинг ҳам муносиб ўрни бор.

Павел Герасимович Пол-тарацкий 1888 йил 29 июнда Новочеркасск шаҳрида, камбағал оилада туғилди. Ҳаётининг дастлабки қадам-ларидеяқ ҳақсизлик, экс-плуатация, жабр-зулм ва меҳнаткаш халқнинг камси-тилишини кўрган ийрик Па-велнинг дунёқараши ўз за-монига нисбатан норозилик туйғулари билан шаклланди. У босмахонада ҳарф теруви-чи бўлиб ишлаб юрган пайтла-ридаёқ революционерлар бил-лан танишди. Нолегал ада-биятларини катта қизиқиш билан ўқиди. 14 ёшдаёқ иш ташлашларда, ишчиларнинг норозилик юришларида фаол қатнашди. 17 ёшда эса партия аъзоси бўлди. Ёш ре-волюционер социал-демокра-тик адабиятларни актив тар-қатар, агитатор сифатида эса ишчилар олдига лекциялар ўқиди. Касаба союзу ҳара-катларида қатнашарди. Ўзи-нинг қарашлари ва револю-цион ҳаракатлари учун у бир неча бор таъқиб қилин-ди.

ветлар қўлига ўтказиш тад-бирлари кўриб чиқилди. 1917 йилнинг 15 ноябри-да Ташкентда ишчи ва сол-дат депутатлари Советлари-нинг III ўлка съезди очил-ди. Унинг ишида янги Бухо-родан делегат бўлиб П. Г. Полтарацкий иштирок этди. Съездда Совет Туркистон-нинг биринчи ҳокимияти ту-зилди. Павел Герасимович ҳокимият составига меҳнат халқ комиссари сифатида кирди. Бу ерда унинг раҳ-барлик иштирокдорининг янги қирралари очила борди. Ташкилотчи ва пропагандист сифатида истеъфода янги революцион руҳ билан куч-га тўлиб борди. У меҳнат комиссариатининг маҳаллий комитетларини ташкил этиш ишига катта аҳамият берди. Ишчилар назорати комис-сияси ҳақидаги декретни ишлаб чиқиш ва меҳнат бирлигини ташкил этиш ишсизликка қарши курашиш ишларида фаол иштирок эт-ди.

ва буржуазия вакилларида-н иборат бўлганлиги сабабли Кўқонда «автоном ҳокими-ят»ни ҳимоя қилиб резолю-ция қабул қилинди. Полта-рацкий эса бир қисм деле-гатларини — маҳаллий мил-лат вакиллари ўз атрофи-да тўпалаштириб, Бур-жуа автономиясига қўшилма-ганлар эса норозилик сифа-тида съездни ташлаб чиқиб кетдилар.

Автоном ҳокимият вакил-лари ва атаман Дутов Со-ветларга қарши операция-ларини ишлаб чиқдилар. Ана шундай мураккаб пайтда Павел Герасимович Халқ Комиссарлари Советининг тошхирин билан қизил гвар-дия отрядларини ташкил этиш учун Самарқандга бо-ради. У назардан ўтасида пропаганда ишларини таш-кил этиш, Совет ҳокими-яти мақсадларини тушунтириш ишларини авж олдириди. На-тижада тез орада оқ назар-ларнинг ҳаракати ниқирозга учради.

1918 йилнинг апрелида Ташкентда Советларнинг V ўлка съезди очилди. Унда Туркистон Автоном Со-вет Социалистик Республика-си ташкил этилди. П. Г. Пол-тарацкий республика фрон-тидаги аҳвол бўйича докла-д қилди. Съезд ўтгач, Павел Герасимович ўзининг бутун куч-гайратини меҳнат ко-миссариатининг фаолияти-ни янада жонланштиришга сарфларди. Иш програм-маларини тузди. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳа-қи нормалари тўғрисидаги ҳуж-жатларни ишлаб чиқди. Бу-ларнинг ҳаммаси янги ҳо-кимият шaroитида биринчи марта ташкил қилинган эди. «Совет Туркистони» га-зетаси материалларини тай-ёрлашга катта аҳамият бер-ди.

Ёшлар ва меншевик-лардан иборат «Заксний му-вақфат ҳукумати» деб ном-ланган Советларга қарши кучлар Ашхобода ишчилар ҳокимиятига қарши чиқид-лар. 1918 йил июль ойининг бошида бошланган бундай қонли кураш ёш Советлар ҳо-кимияти бутун чорлар билан ҳимоя қилишни тақ-дир этарди. Туркистон Мар-казий Ижроия Комитети ва Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети у ерда П. Г. Полтарацкий бошчилигидаги делегацияни юборишга қарор қилди. Таш-кентдан йўлга чиққан деле-гация Маргвга боргач, уруш бошланганлигини айтишди. Полтарацкий Қизил гвардия-чилар отряди Маргва қайта-этгани ҳақидаги маълумотни олгач, шаҳарда қоллишга қа-рор қилди. 21 июль тунда эса ўтасдан Ашхобод то-мондан келган душман кур-шларида қоллиб қолди. Қонли туғнақуш бошланди. Павел Герасимович ана шу ерда отиб ўлдирилди. У 1918 йилнинг 22 июлида револю-ция галабаларини мустах-камлаш учун курашга туриб ҳалок бўлди.

Халқ ишига, Ватан озод-лиги ва социализмнинг та-нақаси йўлида жон фидо қилган оташин коммунист ва ленинчи революционер-нинг номи ҳақида эл ардо-ғида Павел Герасимович Полтарацкийнинг хотираси миллионлаб кишиларнинг қалбиде доим барҳат.

М. МУСТАФОЕВ,
Тошкент политехника ин-ститутининг катта ўқиту-вчиси.

ди. Ҳаёти хавф остида қол-ди.

П. Полтарацкий жангари-ларнинг таъйини туйғайди-лар шаҳардаги кўчда қўйиб ўтган. Ростов, Вок, Ейск сингари ўлаб шаҳарларда революцион ишларни олиб борди. Февраль революция-си эса уни янги Бухорога (Қоғонга) боришга ундайди. Бу ерда ҳам босмахонада ҳарф теруви бўлиб ишла-ди. Полтарацкий больше-виклар фракциясини ташкил этади. Муваққат ҳукумат та-рафдорларига қарши ак-тив курашади. Маҳаллий миллат кишилари билан ишлашга алоҳида аҳамият беради ва уларни ҳар томон-лама фаол революцион куч қилиб тарбиялашга интила-ди. Кейинроқ 1917 йилдан КПСС аъзоси Усмон Ваши-нев П. Полтарацкий билан суҳбатларини шундай эсла-ганди: «У мен билан суҳбат-лашар экан, бир неча марта «ишчилар синфининг гала-баси учун Туркистонда рус ишчилари билан маҳаллий миллат вакиллариининг му-стахкам алоқасининг ўрнатил-зарур, бусиз иш ҳеч қачон амалга ошмайди», — деган эди».

Петроград ишчиларининг, солдат ва матросларнинг большевиклар партияси чақи-риғи билан бошланган курул-ли кўзголини натижасида муваққат ҳукумат аъдари-тошланганлиги. Октябрь-ниқилоби галаба қилганлиги ҳақидаги хабар уч кундаёқ янги Бухорога етиб келди. Павел Герасимовичнинг та-шаббуси билан шаҳар демо-кратик ташкилотининг шо-шинчи мажлиси чақирилди ва революцион комитет таш-кил этилди. Революцион ко-митетнинг биринчи мажлиси-даёқ бутун ҳокимиятни Со-

1917 йилнинг охирида Кўқонда мураккаб вазият вужудга келди. Бу ерда му-сулмонларнинг IV съездини ўтказган «Шўрон Исломи», «Шўрон Уломо», «Алла» партияларининг ва «Ўқон автономияси» деб аталган гуруҳ вакиллари реакция-он кучларни ўз атрофларига тобора кўпроқ жалб этишга-ётган эдилар. «Автономия» раҳбарлари Совет ҳокими-ятига қарши чиқишлар уюш-тирдилар. Маҳаллий совет органларининг миллий маса-ла бўйича африм камчилик-ларидан фойдаланган реак-цион кучлар инқилабни тур-ган туб миллат меҳнатчил-ларини ўзларига оғдиришар-ди.

Совет ҳокимияти душман-ларига қарши курашиш учун Халқ Комиссарлари Совети П. Г. Полтарацкийни «Ў-қонга юборди. У «автоном-чи»лар чақириган съезднинг ишида Туркистон Ўласи Халқ Комиссарлари Совети-нинг вакили сифатида ишти-рок этади. «Биз камбағаллар автономиясига қарши эмас-миз, — деб съездда баёнот берди у. — Биз бойлар ав-тономиясига қаршимиз. Биз автономия учун курашиб, ўзимиз учун эмас, камбағал-лар ва ишчилар синфи ман-фаатлари учун жамиятни буржуазия қўлидан олдик. Биз ҳокимиятни буржуа-зияси қўлидан мусулмонлар буржуазияси қўлига топи-риш учун олмадик». У иш-чилар ҳокимиятини, камба-ғаллар ҳокимиятини ҳимоя қилиш борасида курашиш кераклигини уқтирди. Пол-тарацкийнинг нутқи съезд қатнашчиларида катта таас-сурот қолдирди. Бир қатор делегатлар «автономия»ни ҳимоя қилишдан воз кечди-лар. Бироқ, делегатларнинг кўпчилиги бойлар, муллалар

ПРОВООДИКЛИКДАН ИШЧИЛИККА ЎТКАЗИЛДИ

«Андижон-Тошкент» по-ездига вагондаги Қодир си-нгари провooдиклар йў-ловчиларни ҳафа қилиш-япти», — деб ёзади Мос-ква районидagi «Правда» колхозиде яшовчи О. Умар-ков ўз шикоят хатига. Газетхон мактуби ЎРТА ОСИЕ ТЕМИР ЙЎЛ БОШ-КАРМАСИДА кўриб чиқил-ди. Инструкторнинг қўпол ра-вишда бўзганлиги, йўл ҳуж-жатларини ўз вақтида рас-милаштириб бермаганлиги учун вагон провooдиги Қо-диров йўловчиларга хизмат кўрсатишдан олинди, бир йил мулдат билан қурилиш группасига ишчиликка ўтқа-зилди. Поезд бошлиғи Хур-маматов маълумий жавоб-гарликка тортилди.

КАТТИҚ ОҒОҲЛАНТИРИЛДИ

Усмон Юсупов райони-даги «Пахтакор» совхоз-де ашхона Х. Шарипов мактубида қуйдагилар хабар қилинган эди: «Ра-йон банки бўлимига уй-жон қуриш учун давлат-дан кредит сураб борсан-гиз қўпол муомалада бў-лашмади».

— Шикоят хат юзасидан текшириш ўтказилди. Унда қўрсатилган фактлар қисман тасдиқланди. — дейилади УСМОН ЮСУПОВ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИ-ТЕТИДАН олинган расмий жавобда. — Минжоларга қў-пол муомалада бўлганлиги учун район банки бўлими бугхалтери Р. Орзиев қаттиқ оғоҳлантилди. Банк бўли-ми мудир Ш. Хонкулова коллективда меҳнат интизо-минни туғри йўлга қўйиш, қонун талаблари асосида граждандарнинг эҳтиёжла-рини қондириш таъмин-лаш вазифаси топирилди.

«Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ:

— Денов шаҳрида яшовчи О. Турдиевнинг Шўрчи райо-нидаги «Ленинбод» колхоз-территориясига жойлашган касалхона врачларининг масъ-улиятсизлиги тўғрисидаги ха-ти махсуслари томонидан ўша жойнинг ўзида кўриб чиқил-ди.

Шўрчи район Марказий ка-салхонаси бўйири билан Бе-морга ёрдам қўрсатишда кам-чиликлари йўл қўйганлиги учун наватчи администратор Г. Жуйкога ҳайфсан берилди. Шунингдек, наватчи адми-нистраторлар — Т. Ганова, Л. Лепенко оғоҳлантилдилар.

АВВАЛГИ ИШИГА ТИКЛАНДИ

«Мен Фарғонага пойаб-зал фабрикасининг Сўх-даги филиалида лаборант бўлиб ишлардим. Штат қисқарди, деб бошқа ишга ўтказилди. Ҳозир иш-ламай уйда ўтирибман. Яна бир муаммо хусуси-да. Бу ерда хузауғача бо-лалар бoғчаси йўқ. Аёл-лар дўш ишламайди», деб ёзади Риншон райони-даги «Сўх» совхозининг йигиринч қишлоғида яшовчи В. Жумаева ре-дакциямизга йўлаган ха-тида.

Ушбу ариза текшириш ва чора кўриш учун ФАРҒОНА ОБЛАСТ ПАРТИЯ КОМИ-ТЕТИга юборилган эди.

— В. Жумаева аввалги ишига тикланди ва унга мажбурий проғул учун ҳақ тўланди, — дейилади рас-мий жавобда.

Меҳнат шaroити бўйича хатда баён этилган фактлар тасдиқланди. Фабриканинг Сўхдаги фи-лиали биринчи наватчи қу-рилиши лойиҳасида социал-маданый ва маънавий объект-лар кўзда тутилмаган. Ин-кинчи наватчи қурилиш ко-мплексига (1990 йилда фой-даланишга топирилиши ке-рак) 140 ўринли болалар бо-ғчаси ва 48 қуватли уй-йол-бинолари қурилиши киритил-ган.

лектив ўртасида муҳокама қилинди. Директор Бўйруғи билан ўз хизмат бурчиға со-вуқонлик билан муносабатда бўлганлиги, бюрократизм, сансалорликка йўл қўйганлиги учун наватчи администратор Г. Жуйкога ҳайфсан берилди. Шунингдек, наватчи адми-нистраторлар — Т. Ганова, Л. Лепенко оғоҳлантилдилар.

НАВОЙИ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— 3. Турдиевнинг (Хатир-чи районидagi Чалов номи колхозда истиқомат қилади) собиқ эрм А. Садиев устидан ёлган шикоят хат кўриб чи-қилди. Унда баён этилган фактлар қисман тасдиқланди.

ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ БОСОН ОИЛАДАГИ НОТЎҒРИ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАРИ УЧУН А. САДИЕВГА ҚАТТИҚ ЎҒИВОР БЕРДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ МЕҲМОНОНАЛАР ХУЖАЛИГИ БОШҚАРМАСИ:

— Поп районидagi Олти-кон посёлоксиде яшовчи А. Мирзаматовнинг «Дўстлик» меҳмонхонаси африм ҳоким-ларнинг нотўғри хатти-хара-катлари тўғрисидаги мактуби ў-раганиб чиқилди. Унда кўр-салган фактлар қисман тасди-қланди.

Бу масала меҳмонхона ко-

Қайта қуришни чуқурлаштирайлик



ХИХ Бутуниттифок партия конференцияси делегатлари ўзаро суҳбатларда қайта ку-риш катта меҳнат ва катта масъулият талаб этишини алоҳида тингла олиб, қайта қуришни чуқурлаштириш ва-зифаларининг амалга ошири-лиши йўлида жонбозлик бил-лан ишлаб кераклигини таъ-кидламоқдалар. Суратларда: 1. (чапдан ўнга) Андижон обла-сти Избоскан районидagi шойи тўғри фабрикаси ишчиси Т. Юнусалиева ва Украина ССР Николаев об-ласт касаба союзлари Со-вети раиси Н. Годовиченко. 2. Ўзбекистонлик пахтакор У. Букурова (чапдан ўнга),

ашхободлик ишчилар — О. Байнаева, Б. Саидова, Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари В. Грин-чук, Ўзбекистонлик врач А. Тоғасев ва туркистонлик меҳнаткор О. Ханова. 3. (чапдан ўнга) Тбилиси шаҳ-ридаги «Советская Грузия» комбинатининг мастер Ер-дамчинов В. Кемашвили, Бўз районидagi «Партия XX съезди» совхоз бригадаси бошлиғи Ф. Исроилова ва Грузия ССР Лагодех райо-нидаги Дзержинский номи совхоз ишчиси Л. Горгадзе.

Б. ЮСУПОВ фотолари (ТАСС).



Улар юзма-юз туришарди. Ёш мураккаб киз рўпа-расидagi бригадирнинг тунд, ғазабон афта-ангориини кў-риб аввалгига бироз чўчиди ҳам.

— Қани, четта чиқ!

— Далага қўймайман! Ўзингизни ҳам қўймайман!

— Бу ерда ким брига-дир?

— Сиз, Тоға.

— Ҳа баки. Шундай бўл-гач четта чиқ. Ўзгани шира-еб битирипти-ю, йўлда ту-риб қолганингни қара. Қоч!

— Нима десангиз денг, лекин пахтага заҳар сепгани қўймайман, — деди яна қатъий билан қиз.

Улар юзма-юз туришарди. Наридорда грантор гудула-шини қўймади. Охири қиз изтироб билан деди:

— Негиз тўшунмайсиз то-ғай? Кеча ҳамма пайкаллар-га хонизларини тарқатган-ми. Бутун-эрта ширадан ном-нишон қолмади. Заҳар сепсангиз ҳамма ишимиз ел-та учад.

Бригадир жаҳл билан қўз силтади-ю, оркасига кетавер-ди. Трактор ҳам қайтиб кет-ди. Қиз енгил нафас олди.

У эш мутахассис Озодаҳон Каримованинг биринчи гала-баси эди. У қиянгинада «Фарғона» совхоз-технику-ми

да ўқишни битказиб келган, колхоз биноларининг йиғили-ши бошлаган эди. Пахтазор-га биоусулда ишлов берил-ганди. Энди у ўғзаларнинг ҳолатини кузатиб юрарди. Унинг бу бригадасида келиши ҳам тасодиф эмасди. Кеча ўғзаларни ишлашгаётганда бригадир уларнинг ҳаракат-ларини истеҳзо билан кузат-ган, атрофларига айланиб юриб: «Барибир бу уриниш-

деди. — Аслини олганда ҳозир биоусулнинг фойдаси-ни ҳамма тўшуниб олди.

Бизнинг саврака: Анди-жон обла-сти Марҳамат рай-онидagi «Октябрь 50 йил-лиги» колхоз заҳарли хи-микатлар ишлатишдан воз-кечганлиги учун 1985 йил-иқ 43 минг сўм маблағини тежаган эди. Утган йили биоусул 60 минг сўмни те-жаш имконини берди.

Ўзида курашчан характер-ни тарбиялашга ердим бер-ган одамлар ҳақида Озодаҳон алоҳида меҳр билан гап-лад. «Қийналганимда, икки-ланганларимда ёнимда тур-ган, кўнглимни кутарган коммунистлар, она замин-мизнинг асл миршкорлари-ни ёзсангиз эди. Социали-стик Меҳнат Қаҳрамони Аб-дуқошим Аҳмедов, Хурсанд

— Заҳарли химикатларни ишлатиш одамларнинг соғли-гига кўп йиллар етказиб келган зарарнинг баҳоси қанча? — ҳарорат билан сўзлайди Озодаҳон. — Она табиятга, мунаввар замини-мига етказилган зиёнчи? Ҳа, биоусул баҳосини ҳеч-нима билан қийсалаб бўлмай-ди. Фақат африм кишилар бунини тўшунини, оқилона қа-рорга келишни қийин бўляпти. Биоусулнинг нафи ҳақи-да гап хануз қўп-у, амалий ҳаракат оз.

бой Эргашев, Акрамжон Одилов...»

Абдуқошим ака узоқ вақт бригадани бошқарди. Мутта-сил юқори ҳосил етиштирди. Яқинда уни пенсияга куза-тишди. Ўшанда бригада аъ-золари бригадирликка Озода-ҳонни тақдир қилишди. Энди у комсомол ёшлар кол-лективига етакчи бўлиб қол-ди. 78 гектар пахтазорда ў-залар текис шоша оляпти. гуллаяпти. Ҳозиргача икки марта озиқланитишди.

— Бунини қаранг, охириги пайкалга ҳам сув тарашиб-ди. Атрофинда ана шундай жонқуяр одамлар бўлса асло қонилмас экансан киши. Ҳамма гап шу одамларнинг ишончига муносиб бўлишда, орузларга интилиб яшашида.

Орзу сари интилиб

«ФАКАТ ШУНДАГИНА ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ЧИНАКАМ ТАРАФДОРИГА АЙЛАНИШ МУМКИН», ДЕЙДИ ЕШ КОММУНИСТ ОЗОДАХОН КАРИМОВА. МАХСУС МУХБИРИМИЗ Ж. САЪДУЛЛАЕВ МОСКВА ДАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ БЕРГАН ҚУИДАГИ ЛАВҲА УНИНГ КАМОЛОТ ЙЎЛИ ҲАҚИДА

ларингиздан наф йўқ, дори-сепиш керак, дори», — дед дағдага ҳам қилган эди. Озода кутганидай бўлиб чиқ-ди. Бироз кечикса далага за-ҳарли химикат сепиб юбо-ришар, биоусул тарафдорла-рининг ҳамма уринишларини чиппакка чиқаришарди.

— Ўша бригадирнинг ис-мини айтолмайсизми? Озодаҳон кулимсраб қўй-ди.

— Энди у киши бизнинг биринчи ташвиричиди, —

ФОТОГРАФИЯ ТИЛИ БИЛАН

XIX Вутунитифок партия конференциясида бағишланган фотокўргазмага «Қайта куриш, демократиялаш, ошкоралик» сўзлари ширин қилиб олинди. Ўзбекистон Журналистлар союзи ташкил этган бу кўргазма 27 июнь кун Тошкентдаги Санъат саройида очилди.

Республика етакчи фотожурналистларнинг қўлдан кўпчилари орасида партия конференцияси делегатларининг маҳорат билан олинган портретлари, Ўзбекистоннинг бутунлиги кўришга тасвирловчи суратлар эътиборни тортади. Аммо кўргазма ютуқларини аниқ эътирмайди, фотокамераларнинг объективлари Орол денгизини фожиясини, студентларнинг лйдоқ далада «пахта учун жанг» қилаётганликларини, кундалик турмушимизнинг бошқа муаммоларини ҳам тасвирлайди. Фотокўргазма ижтимоий оғнага таъсир қилади, ҳаракатга, қайта куришга даъват этади.

(ЎЗАТГА).

• Ўйш вақт—хуш вақт



Қарши шаҳридаги Шон-шухрат музейи милиция капитани Бахтиёр Анваровдан суратларни кўришда. У Афғонистонда интернационал бурчини адо этиб, мардларча ҳалок бўлган Баҳодир Шерқуловнинг скульптура портретини мутохфа олди. У Афғонистонда

Осейиталик посбони ўз-нинг бўш вақтини санъатга бағишлайди.

Суратда: Б. Анваров (ўн-да) музейда.

Ш. ШАРОПОВ фотоси (ЎЗАТГА).

• Ўзбекистон архитектураси кунлари

Мамлакатимиздаги барча соҳа кишилари каби архитекторлар ҳам бутунлиги кунда ўз ишларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, совет халқлари талаб-эҳтиёжларини яхшироқ қондириш устида ўйламоқдалар. Улар олдиди кулай, шинам, тежамли куришдан ташқари, аниқ пайда жамиятимизнинг гоий негизларини мустахкам қиладиган ҳақиқатга қараб қўйиб, кишига қувонч қилишчиловчи ишчиловчи бунёд этиш вазифаларини туртибди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Совет архитектураси ва шаҳарсозлигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарориди тежамкорлик, меъморчиликнинг гоий муаммоларига бутун диққат эътиборини қаратиш, ўтмиш йилларнинг энг яхши тажрибаларини ҳозирги ва келажак билан манфаатлари йўлида ишга солиш лозимлигини алоҳида уқтирилади. Булар — меъморчиликнинг инсонпарварлик йўналиши, оммавий объектлар курилишига устунилик бериш, образлар ечимини топишда жимжамдорлик мурасасиз бўлиш, турар жой муҳитини шакллантиришда шаҳарсозлик нуқтаи назаридан ёндашиш ва бошқалардир.

Жамиятимизда меъморчилик ва шаҳарсозлигининг гоий мазмунини моддий-маънавий муҳитини улуғсиз ва принципиал равишда янгилаб боришда ўз ифодасини топиш лозим. Вазифа меъморчилик ва шаҳарсозлик воситалари орқали одамларнинг моддий-маънавий эҳтиёжларини уйғун равишда қондирилишига қўмаклашишдан иборат.

Кейинги ўн йилликда уй-жойларга бўлган эҳтиёжларнинг қондирилиши микдор вазифаларини ҳал этиш йўли бўлиб қўйилди. Шу билан бирга эстетик жиҳатдан муайян нуқсонларга йўл қўйилди. Булар — курилишнинг индустриаллаштириш соҳасида дастлабки номукамал одамлар оқибатидир. Биз эҳтиёж билан қатъият билан эстетик ифодасининг, оммавий курилишлардаги «маънавиятсизликнинг» бартаф эътиҳисиз зарур.

Қайта куришнинг дастлабки қадамлари кўришда фидур юртлар эканаси, инсоннинг ҳаётини шарт-шароитларини шакллантиришда меъморчилик ва шаҳарсозликнинг роляга етарли баҳо берилаётганлигини қайд этиш, га тўғри келади. Оммавий архитектура одамларга қувонч бағишлай олмапти. Биз жонсиз қўчалар, шаҳарлар, бошли қўчаларга еса бутун бўлиб регионларини бунёд этилмиш. Ноб табиий ландшафтларини ишдан чиқармоқдалар. Уларда жонсиз панел кемадарини вужудга келтирилмиш.

Хўш, архитектурада қайта куриш нимадандан иборат бўлиши керак? Энг аввало, бу ташкилий жиҳатдан қайта куриш ва гоий томондан қайта куришдир. Бу муаммага янгича ёндашиш демакдир.

Биз шаҳарларимизнинг истибодини аниқ-равшан тасаввур этишимиз керак. Янги уй-жой бинолари, янги турар жой муҳити қандай бўлишини, янги типдаги жамоат биноси, сановат узеи, қишлоқ посбонли қай тарзда курилиши лозимлигини билишимиз даркор. Архитекторлар бутунлиги кунда жамият улардан нима талаб қилаётганлигини, унинг ижтимоий бурюртмасини, архитектура янги асрини қайси савияда кути олишини тушуниб олишлари лозим. Аммо эскирган аъналардан ҳозирча устунилик қилмоқдаки, улардан иложи

зейга айлантириш керак, дейиш мантиқий бидирмайди. Шаҳарнинг тарихий ўзига эга илмий шаҳар ва у марказини жонли қисми бўлиши лозим. Хўш, амалда нима бўляпти?

Тошкент янги майдонларда уй-жой бинолари куриш ёки шаҳарнинг тарихий уй-жой зоналарини бутунлай бузиб ташлаш асосида реконструкциялаш негизда экстенсив ривожланиди. Бу ҳол ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Шунинг оқибатида аъналарини, асрлар давомида давр синовидан ўтган турар жой муҳити намуналариди.

МЕЪМОРЛАР МАСЪУЛИЯТИ

борича тезроқ халос бўлиш лозим. Биринчи навбатда шаҳарларни ривожлантиришнинг беш йилликка мўлжалланган шаҳарсозлик программаси беш йиллик бошлангичдан камиди икки йил олдин тасдиқлашни зарур. Тони ана шу икки йил мобайнида ушбу программани рўбга чикаришга қўмаклашувчи тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш мумкин бўлсин. Амалда еса шаҳарларни куриш программалари беш йиллик бошлангичдан кейингиди тасдиқланганди ва оқибатда улар тармоқ йўналишларидан анча орқада қоляпти.

Маъмур жараёнда халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг, шаҳар план комиссияларининг, шаҳарлар баш архитекторларининг, шаҳарсозлик кеңашларининг роля айнаси, келтириб бўлиши керак. Улар шаҳарлар баш планлариди кўрсаткичлар асосий тармоқ кўрсаткичларини муваффақиятли рўбга чиқарилишини мувофиқлаштириб боришлари зарур. Бирок шаҳарларни ривожлантириш тартибига солиб турмучи ягона комплекс қўжат бўлган бош планни аксарият мансабдор шахслар тушунмайдилар. Шунинг натижасида масалага объект баҳо беришда хатоларга йўл қўйилмоқда.

Тошкент ўзига ва унинг марказининг каттагина қисми улкан тарихий қимматга эга бўлиб, у қонун томонидан ёдгорлик сифатида муҳофаза этилиши керак. Тошкент айрим тарихий объектлар ва мўъжаз ансамбллар муҳофаза этиладиган шаҳар эмас, балки бутун бошли қўчалар ва кварталлар комплекси муҳофаза этиладиган шаҳарлар сисласига кириди. Шаҳарнинг тарихий марказини муҳофаза этиш уни тўлалигича дахлсиз сақлаш ёки уни му-

раини сақлаб қолиш ва уларнинг фойдаланиш борадиди ички резервлардан шу кун эҳтиёжлари даражасида умуман фойдаланилмапти.

Турар жой муҳитининг хилма-хиллигини сақлаб қолиш ва эҳтиётлаш, уларнинг ўзига хослигини муҳофаза этиш — замонавий шаҳарсозлик сисатиди муҳим ўрин тутди. Чунотки, «ёски шаҳар»нинг тарихий зонасини реконструкциялаш масаласи энг ўтмиш муаммолардан бирига айланди, уни зудлик билан ҳал этиш даркор. Аниқ мақсадли йўналишлар йўқлиги сабабли шаҳарсозлик маданиятига оид бутун бошли бир қатлам амалда йўқ бўлиб кетаяпти.

Бошда бир мисол: планлаштириладиган курилиш майдонлари ва воқалардан фойдаланишдаги тартибсизлик каймакмапти. Тажриба шаҳарлар, воқаларни тартибсиз жиҳатдан ташкил этилишини комплекс лойиҳа-планлаштириш ҳужжатларида тасдиқланган концепциясини амалда бажарилаётганлигини кўрсатмоқда. Баҳо-нолар, шаҳар атрофи ва навалар йўналишлари зоналарини ўзлаштириш кўпчижа режасиз амалга оширилмоқда. Шу боис дарёлар, навалар ёқаларида боғлар, хибоблар эмас, балки пала-партити курилган оморлар, базалар, тасодифий сановат корхоналари, ҳар хил «муваққат» иншоотлар пайдо бўляпти.

Шаҳарлар ва аҳолини жойлаштириш сисемаларини ривожлантиришнинг лойиҳалари барча босқичлари кент муҳонамадан ўтказилиши зарур. Унда илмий ва лойиҳа-лаш институтлари, фан, техника ва маданият кўпчижа тармоқларининг етакчи мутахассислари қатнашишлари мақсадга мувофиқдир. Муҳонамаларини ривожлантириш ва реконструкциялаш шаҳар-

созлик концепциясининг асосий принциплари барқарорлаштирилиши, ана шу ҳудудлар лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг яқунловчи босқичида ўз аксини топиши, бунда шаҳарларини янада тараққий эттириш учун етарли резервларга алоҳида аҳамият бериш шарт.

Ачинарлиси шундаки, архитектура санъатдан ажралиб қолди. Меъмор эса илмий хизматчиларнинг бир турига айланди. Шу сабабли муайян силкишларга қарамай, шаҳарларимиз ва районларимиз бир хиллигича қолмоқда. Типовой уйлар ва типовий

сада мувофиқлиги тўғрисида масалаларда асосан қарама-қарши фикрлар йўқ. Бу аъналарни чуқур ўрганиш ва улардан фойдаланишга ҳеч ким қарши эмас. Бирок архитектура образларига баҳо беришда, уларга «миллий» бўёқлар синдиришга интилишда, меъмор ўзини кўрсатиши келиб, ўз Ватанига мўъаббатини ифода қилганда, миллийлик билан индустриализмнинг қўшиқча уринганида мураккабликлар юзага келяпти. Бу ўринда шунинг унутмаслигимиз лозимки, архитектура — монументал санъат бўлиб, у неча асрларга мўлжалланади.

Курилиш мураккаб жараён. У ҳамма вақт ва ҳар даража кўпмақсадли муҳитларнинг ўзига берилаётганлиги. Меъмор еса ана шу курилишнинг жонли-диқли бўлиши, архитектура асарини яратилиши барча жиҳатларини ўзиди қамлаши, яъни социал бурюртмани аниқлаши, қийматини белгилаши, унга ишлатилидиган деталларни танлаши, бадий жиҳозланишининг усулларини кўрсатиши, ҳуллас, ўз лойиҳасининг тўла-тўқис рўбга чиқиши учун жон куйдириши зарур. Турар жой, ҳозирги пайда курилиш масаласи нихотда мураккаб бўлиб кетди. Қўпмақсадли турдош индустриаллаш пайдо бўлди. Бирок меъморнинг роля ушбу ўзгаришда қолди. Архитектор профессионал савоҳилини билан жамият ва инсон манфаатларини ифодалаш, курилишнинг сифати ва бадий тақомили учун шахсан манфаатлар бўлиши керак. Янги давр бу масалани моҳитини асло ўзгартирмиш йўқ. Аксинча, у меъморлардан ҳар қандай архитектура иншоотини бунёд этишда ўзига хос режиссер роляни ўйнашни талаб этмоқда.

Архитектор касбининг умумлаштириш роляни сунъий равишда меъмар биз катта ҳақига йўл қўймиш. Бу жамиятга жуда қимматга тўлимоқда. Новаторлик илмий-ишларига халалет беришти.

Янги архитектуравий йўналишнинг қандам-қандам дунёга келаятганлиги, борларини ҳам ҳаётга табиқ этишдаги ўта мураккабликлар сабаби шундан эмасмикин? Агар меъмор лойиҳада ҳақига йўл қўйса, бу нуқсонлар тош ва бетонда кўзга ташлангач, уларни тузатиш қийин. Шу сабабли архитекторнинг халқ ва жамият олдидаги масъулияти нихотда қосқандир. Меъмор бутун курилиш жараёнида лойиҳани ишлашдан тортиб, бинони давлат комиссиясига топширувчи бўлган ишларда рақбар бўлиб олмас экан, ундан қосқам самара кутиб бўлмайди.

Вазият республика меъморлари фойлиятидаги ташкилий талаб қилмоқда. Ана шунда архитекторлар қайта куриш йўлини ўзлари очиб борадилар.

Ф. ТУРСУНОВ, СССР Бадиий академиясининг муҳбир аъзоси.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Ўқитувчи» нашриёти қуйидаги китобларни чоп этди:

Т. М. АФАНАСЬЕВА. Ойла. 416 бет. Баҳоиси 85 тиин.

Китоб «Ойларнинг ҳаёт этиҳаси ва психологияси» курси бўйича синов тариҳасидаги қўлланмадир. Ойларнинг ҳаётга аниқ мақсадни қўзғатган ҳолда тайёрлаш — шахсини шакллантиришнинг муҳим томонларидан биридир. Қўлланманинг асосий гоҳиси ҳам ана шундандир.

Ф. ЖУМАБОВ, С. МАХКАМОВ. Ўзбекистон СССР тарихини ўргатишда атеистик тарбия. 48 бет. Баҳоиси 5 тиин.

Янги кишини камол топтириш, унинг онгидида диний сарфиларга қарши мурасасиз кураш олиб бориш, унда илмий материалистик дунёнарашнинг шакллантириш коммунистик тарбиянинг муҳим вазифаларидан биридир. Ушбу қўлланмада 4—10 синфларда Ўзбекистон СССР тарихини ўқитиш жараёнида ана шу вазифани бажаришнинг асосий омилларидан бири атеистик тарбияни қай тарзда амалга ошириш ва ўқувчиларда материалистик дунёнарашнинг шакллантириш масаласи ёритилган.

Э. ТУРДИКУЛОВ. Физика дарсларида атеистик тарбия. 72 бет. Баҳоиси 10 тиин.

Бу методик қўлланмада физика ўқитишда ўқувчиларни атеистик руҳда тарбиялашга ва диннинг келиб чиқишига оид айрим материаллар ҳамда физика ўқитишда ўқувчиларга бериш мумкин бўлган атеистик хатердаги материаллар программаси, уни ўқитиш методикаси ва айрим қизиқарли материаллар ўз аксини топади.

АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. Олий математика қисқа курси. 2-том. 336 бет. Баҳоиси 90 тиин.

Китоб олий техника ўқувчилари олий математик курси программасига мувофиқ ёзилган. Материал қисқа баён этилишига қарама-қарши, имкони борида тушунарли қилиб берилган.

АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. Рус тилидан ўқитиш китоби. 232 бет. Баҳоиси 70 тиин.

Китоб Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги олий ўқувчилари кундузги ва сиртки бўлимлиларнинг миллий гуруҳларини талабалари учун мўлжалланган.

• Спорт

ФУТБОЛ: ДИНАМОЧИЛАР ОЛДИНДА

Бир ойлик танаффусдан сўнг мамлакат биринчилигини олдиди лига командаларининг мусобақаси давом этирди. 12-турда 6 учрашув ўтказилди лозим эди. Улардан тўрттаси бўлиб ўтди. Тонидида маҳаллий динамочилар Харьковнинг «Металлист» командасини қабул қилдилар. Майдон эгалари 1:2 ҳисобида магдублатга ураб турнир жадалидида ахволларини мукуллаштириб қўйишди. Москвада «Динамо» ва «Спартак» футболчилари куч енашдилар. Танаффусдан сўнг динамочилар автоаводинлар дарвозасига икки тўп киритиб ғалаба қозонди. 2:0 ҳисоби Ленинграддаги учрашувда ҳам қайд этилди. «Зенит» Одессанинг «Черноморец» клубини шу ҳисобда енгди. «Аратар» — «Қайрат» учрашувда 1:0 ҳисоби билан Ереван футболчилари устуи келипти.

Олий лига командалари календарига ўзгариш киритилди. «Зенит» — «Спартак» учрашувини бутун эмас, 25 июль кун, «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Киев) учрашувини 8 сентябрда бўлади. 4 июль кун Бокуда «Нефчи» ва «Динамо» (Киев) командалари учрашувини календарда белгилаган эди. Бу йили Киевга қўйирилади.

Киев динамочилари карнобоши. 11 учрашувдан сўнг улар ҳисобда 17 очко бор. «Зенит» 16 очко билан иккинчи, «Жалдир» 15 очко билан учинчи ўринда бормоқда.

ПЕШҚАДАМ ҒАЛАБАСИ

Биринчи лига командалари 18-тур учрашувларини ўтказдилар. Турнир пешқадам Дүшанбенинг «Помир» командаси муҳим икки очкони қўлга киритди. «Помир» пахтакорчиларни қабул қилди. Ўйин бошида пахтакорчилар ҳисоби (С. Қосмов) очилди. Шундан сўнг майдон эгалари ҳужумкорликни қучатдилар ва меҳмонлар дарвозасини уч марта аниқ нийшона қилидилар.

Қолган учрашув натижалари қуйидагича: «Даугава» — «Гурья» — 2:2 СКА «Карапати» — «Динамо» (Вт) — 0:0, «Ротор» — «Ростсельмаш» — 5:2, СКА (Ростов) — «Заря» — 2:1, «Звезда» — «Таврия» — 1:1, «Геолог» — «Шинник» — 0:1, ПСКА — «Спартак» — 3:2, «Кузбасс» — «Динамо» (Ст) — 0:0, «Котайк» — «Металлург» — 2:0, «Кубань» — «Колос» — 1:2.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.15 — XIX Вутунитифок партия конференциясида. 8.30 — Концерт. 9.30 — Дурдорда ЎзССР халқ артисти О. Қосимов чалади. 9.45 — Советлар ва қайта куриш. 12.10 — Ишчинома. 12.30 — Ҳ. Назир. «Андиша». 13.00 — Мадина. 13.30 — XIX Вутунитифок партия конференциясида. 13.40 — «Песня» ансамбли куйлайди. 14.00 Қишлоқ хўжалиги ҳодимлари учун виштитириш. 15.30 — Тенгдошларнинг илро ётади. 16.00

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1988-1989 ўқув йили учун
КЕЧКИ ВА СИРТКИ ФАКУЛЬТЕТЛАРНИНГ
1 КУРСИГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ИНСТИТУТ ИНГЛИЗ, НЕМИС ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИ БУЙИЧА ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИ ТАЙЕРЛАЙДИ.

Ўқитиш муддати 5 йил.
Институтга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: чет тилидан (оғзани), ўзбек тили ва адабиётидан ишчи (таълим ўзбек тилидан олиб бориладиган гуруҳларда), рус тили ва адабиётидан ишчи (таълим рус тилидан олиб бориладиган гуруҳларда), СССР тарихидан (оғзани).

Институтга кирувчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, охириги иш ёки ўқитиш жойидан хатеристина (тавсиянома), меҳнат дафтарчасидан қўчирма. 086/У формадаги медицина справкиси, 6 дона 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади.

Имтиҳонлар 1 августдан бошланади. Институтга қабул қилиш 20 августгача ўтказилади.

Адрес: 700020, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 48-уй.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

1988-йил учун
АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги, сиртки — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг механизациялаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг индустриаллаштириш, гидроэкономика иншоотлари, кундузги — полимерлар физикаси ва механикаси, автомобильлар ва тракторлар, ҳисоблаш техникаси элементлари ва тузилиши, гидравлика ва инженерлик гидрогеологияси, электротехниканинг назарий асослари, мелiorация ва сугорма деҳқончилиги;

сиртки — курилиш технологияси ва уни тадқиқ қилиш.

Аспирантурага кирувчилар танлаган ихтисоси, КПСС тарихи ва олий ўқув юрти программаси ҳажмида чет тиллардан бири бўйича кириш имтиҳонларини топширадилар. Аспирантурага қабул қилиш ҳақидаги ариза институт ректори номига ёзилиб, унга қуйидагилар илова қилинади: олий ўқув юртини битирганлик ҳақида дипломнинг нотариус тасдиқлаган нусхаси, имтиҳон варақасидан қўчирма, сўнги иш жойидан хатеристина, тарихнам ҳол, навларнинг ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа. 3 дона фотосурат (3х4 ва 3х4 см). Эълон қилинган йилиги иш ва ихтиролар ҳақида маълумотлар (маълумотларга тақрирлар илова қилинади, эълон қилинган иш бўлмаган шахслар рефератлар — танлаган ихтисоси бўйича илмий доклад топширадилар), танлаган ихтисоси бўйича амалий иш стажини тўғрисида ҳужжат (меҳнат дафтарчасининг иш жойидан тасдиқланган қўчирмаси), соғлиги ҳақида 086/У формадаги справка (аспирантурада ўқитиш имкони борлиги ёзилган бўлиши керак), маоши тўғрисида справка.

Кириш имтиҳонларига қўйилган кишиларга иш жойларидан ўртача маоши сақланган ҳолда имтиҳонларга тайёргарлик қилиш ва топшириш учун 30 календар кундан иборат отпуск берилади. Бунга қўшимча иш жойидан ўқув юрти жойлашган шаҳаргача келиш ва қайтиш учун вақт берилади бунга ҳақ тўланмайди.

ҲУЖАТЛАР 1 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

АДРЕС: Тошкент шаҳри, ГСП, Қориниезов кўчаси, 39-уй, аспирантура бўлими.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг
Н. К. КРУПСКАЯ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
қулдуги бўлипти

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-10 синф маълумоти билан «Мақтабча болалар муассасаларида тарбия» ва 8-синф маълумоти билан «Чизма-кашлик ва расм чизиш ўқитувчиси» гуруҳасига.

Ҳужжатлар ўрта маълумотлилардан — 1 июлдан бошлаб 14 августгача қабул қилинади.

Она тили ва адабиёти (инглиз), СССР тарихи (оғзани) дан кириш имтиҳонлари топширилади.

Ҳужжатлар 8-синф маълумотига эга бўлганлардан 31 июлгача қабул қилинади.

Она тили (динтанг), математика (оғзани) дан кириш имтиҳонлари топширилади.

8-синф битириб «Чизмакашлик ва расм солиш» ихтисоси бўйича ўқитиш киратганлар ихтисоси бўйича расм солиш, она тили (динтанг), математика (оғзани) дан кириш имтиҳонлари топширилади.

Абитуриентлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: аттестат, ёки маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), медицина справкиси (086/У форма), 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), ариза.

Паспорт ёки тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 178-уй (34, 70 77-автотўсбар; 4, 9, 11-трамвайларнинг «Оқтепа майдони» бекати).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИИ СТАДИОНИДА

4 ИЮЛЬ СОАТ 19.30 да
СССР 51-чемпионати учун
БИРИНЧИ ЛИГАНИНГ

«ПАХТАКОР» (Тошкент)
— «КОТАЙК» (Абовян)

командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Танаффус вақтида спорт-бум ютотереси ўйналади. Лотерея билети серияларининг номери 024001 дан 028000 гача.

КОЛЛЕКТИВ ВУЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.